

## I. Иқтидорли талаба түғрисида маълумотнома

1. **ФИШ Анваров Камрон Даврон ўғли**  
Иқтидорли талабанинг Ф.И.Ш

2. Туғилган йили: **1998 йил 8-август.**

3. Туғилган жойи: **Тошкент ш., Олмазор тумани, Ахунбабаев кўчаси,  
40а уй.**

4. Миллати: **ўзбек.**

5. Таҳсил олаётган олий талим муассасаси, факультети, таълим йўналиши, курси: **Тошкент тиббиёт академияси, даволаш факультети,  
бакалавриат, 3-курс.**

6. Тадқиқот йўналиши: **морфология.**

7. Илмий иши мавзуси: **Экзоген таъсирлар натижасида ўпка  
тўқимасининг морбофункционал хусусиятлари.**

8. Илмий раҳбари (маслаҳатчиси): **Шомирзаев Наджиюлла  
Ҳабибуллаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

Илмий раҳбари Ф.И.Ш., илмий даража ва унвони

9. Кутилаётган натижа: **Экзоген таъсирлар натижасида ўпка  
тўқимасида содир бўладиган морбофункционал ўзгаришларни  
аниқлаштириш.**

## II. Иқтидорли талаба илмий иши мавзуси ва мазмуни

**Экзоген таъсирлар натижасида ўпка тўқимасининг морбофункционал  
хусусиятлари.**

Иқтидорли талаба илмий ишининг мавзуси

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ҳозирги вақтда бутун дунё бўйича ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалганлиги кўрсаткичлари юқори ҳисобланади. Ўпка касалликлари структурасида ўпканинг носпецифик яллиғланиш касалликлари учраш тезлиги 45-65% га teng. Бу касаллик ҳам эркакларда, ҳам аёлларда, шунингдек болалар ва кексаларда учраши бир хил. Ўпканинг носпецифик яллиғланиш касалликлари этиологиясида ташқи муҳит ва бактериал омиллар катта ўрин тутади. Улар таъсири натижасида ўпка тўқимасида юзага келадиган ўзгаришлар охир-оқибат bemornining ногиронлигига, ёки ўлимiga сабабчи бўлади. Ушбу касалликларни даволаш масаласи ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жихатдан муҳим ҳисобланади. Дунё маълумотларига кўра, касаллик сабабли сарф қилинган ҳаражат бир йилда 9-10 млн долларга teng. Бундан ташқари, бу касалликлар bemornining ҳаёт сифатига ҳам жиддий таъсир этади.

**Ишининг мақсади:** бактериал таъсирлар натижасида ўпка тўқимасида юзага келадиган морбофункционал ўзгаришлар хусусиятларини умумморфологик, электрон микроскопик, биокимёвий услублар ёрдамида аниқлаштириш.

**Ишининг амалий аҳамияти:** иш соғлиқни саклаш тизимида амалий аҳамиятга эга.

### **III. Иқтидорли талабанинг илмий ишни амалга ошириш бўйича календар-тематик иш режаси**

**Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультети 301-гурух талабаси**  
Олий таълиммуассасаси ва факультет номи, гурух рақами

**Анваров Камрон Даврон ўғли** нинг  
иқтидорли талабанинг Ф.И.Ш.

**Эззоген таъсирлар натижасида ўпка тўқимасининг морбофункционал  
хусусиятлари**  
талаба илмий ишининг мавзууси

#### **илмий ишини амалга ошириш бўйича календар-тематик иш режаси**

№	Бажарилиши режалаштирилган ишлар мазмуни	Бажарилиш муддати	Кутилаётган натижа	Изоҳ
1.	Экспериментал пневмония моделини чақириш.	сентябрь- октябрь	экспериментал пневмония босқичларини таҳлил қилиш	
2.	Экспериментал пневмония шароитида ўпка тўқимасининг морфологик ўзгаришларини текшириш.	ноябрь- декабрь	ўпка тўқимасининг морфологик ўзгаришларидаги хусусиятларни белгилаш	
3.	Экспериментал пневмония моделида ўпка тўқимасининг биокимёвий ўзгаришларини текшириш.	январь- февраль	ўпка тўқимасидаги биокимёвий ўзгаришларни таҳлил қилиш	
4.	Экспериментал пневмонияда дори воситаларининг ўпка тўқимасига таъсирини ўрганиш.	март- апрель	Кенг кўлланиладиган дори воситалари таъсирида ўпка тўқимасининг морбофункционал ўзгаришларини аниqlаш	
5.	Олинган натижаларни таҳлил қилиш.	май-июнь	Илмий мақола тайёрлаш ва чоп этиш.	

**Кафедра мудири**

кафедра мудири Ф.И.Ш

**Илмий раҳбар**

илмий раҳбар Ф.И.Ш

**Иқтидорли талаба**

Ф.И.Ш

#### **IV. Иқтидорли талаба илмий иши муҳокамаси ва уни амалга оширилиш жараёнини мониторинги**

**A) Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика факультети**  
(олий таълим муассасаси ва факультет номи)

**Анатомия, клиник анатомия ва оператив жаррохлик асослари кафедрасинингйиғилиш баённомасидан**  
(кафедра номи)  
**КЎЧИРМА №\_\_\_\_\_**

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1. Иқтидорли талабаларнинг илмий йўналишилари бўйича танланган мавзулари муҳокамаси.*
- 2. Турли масалалар.*

**КАТНАШДИЛАР:**

Кафедра мудири, профессор Т.А.Сагатов, кафедра профессорлари Н.Х.Шомирзаев, У.М.Миршарапов, кафедра доцентлари З.Ш.Содикова, Д.Б.Адилбекова, кафедра катта ўқитувчилари Н.А.Хасанов, Б.Е.Худойберганов, И.Д.Гульманов, С.Ж.Хужаназарова, кафедра асистентлари М.К.Сагдуллаева, А.И.Хатамов, С.М.Ахмедова.

**ЭШИТИЛДИ:** иқтидорли талаба К.Д.Анваров сўзга чиқиб, раҳбари билан  
(кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқувчилар ва улар чиқишлиарининг қисқача мазмуни)  
Биргаликда режалаштирилган илмий иши мавзуси, мақсади ва вазифалари ҳакида маълумот берди. Ишни бажариш учун зарур бўлган шароитлар мавжудлигини таъкидлади. Илмий иш мавзусига мос хорижий ва мамлакатимиз адабиётлари шархи амалга оширилганлигини айтиб ўтди. Ишни бажариш учун ТТА Олий таълим муассасалари аро илмий лаборатория билан биргаликда иш олиб борилиши таъкидланди.

**Мавзунинг долзарбиги:** илмий иш мавзуси ҳозирги кун тиббиётининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади, сабаби ҳозирги вақтда бутун дунё бўйича ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалганлиги кўрсаткичлари юкори ҳисобланади. Ўпка касалликлари структурасида ўпканинг носпецифик яллиғланиш касалликлари учраш тезлиги 45-65% га teng. Бу касаллик ҳам эркакларда, ҳам аёлларда, шунингдек болалар ва кексаларда учраши бир хил. Ўпканинг носпецифик яллиғланиш касалликлари этиологиясида ташки муҳит ва бактериал омиллар катта ўрин тутади. Улар таъсири натижасида ўпка тўқимасида юзага келадиган ўзгаришлар охир-оқибат bemornining ногиронлигига, ёки ўлимига сабабчи бўлади. Ушбу касалликларни даволаш масаласи ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Дунё маълумотларига кўра, касаллик сабабли сарф қилинган ҳаражат бир йилда 9-

10 млн долларга тенг. Бундан ташқари, бу касалликлар bemornинг ҳаёт сифатига ҳам жиддий таъсир этади.

**Ишнинг амалий аҳамияти:** илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шифокорлари учун ўпка касалликларини эрта ташхислаш, патогенетик даво тадбирларини ташкиллаштириш, касалликлар олдини олиш масалаларига ёрдам беради; тиббиёт институтлари талабалари учун мазкур мавзудаги машғулотларни ўзлаштиришда аҳамиятга эга; гистология, патологик анатомия, терапия фанларида маъруза ва амалий машғулотларда натижалар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:** профессор Т.А. Сагатов сўзга чиқиб, илмий иш (сўзга чиқувчилар Ф.И.Ш., лавозими ва мазкур иш бўйича хulosаси, саволи ва талабанинг жавоби) мавзусининг долзарблигини, иш мақсади аниқ белгиланганлиги, мақсадга эришиш учун иш вазифалари тўғри белгиланганлигини таъкидлайдилар. Катта ўқитувчи Н.А.Хасанов илмий иш борасида маълум бир ноаниқликларни кўрсатиб ўтдилар, масалан, гистологик текширувларни амалга ошириш учун факат иккита услугуб белгиланганлиги, статистик қайта ишлашда замонавий услугуб танланиши ҳозирги замон тадқиқотларига мос бўлишини айтдилар. Профессор У.М.Миршарапов илмий ишнинг ҳозирги вақтдаги талаб қилинганлигини ва иш режасининг тўғрилигини айтиб, талабага ишни бажаришда янада чуқурроқ маълумотларни ўрганишни маслаҳат бердилар.

**ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:** иқтидорли талаба К.Д.Анваровнинг илмий иш мавзуси ҳозирги талабларга тўлиқ жавоб бериши, иш мақсади, вазифалари аниқ белгиланганлиги боис тасдиқлансин ва тадқиқотлар бажарилишига рухсат берилсин.

**Кафедра мудири**

\_\_\_\_\_

(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Илмий котиб**

\_\_\_\_\_

(имзо) (Ф.И.Ш.)